



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

## ДАРОМАДЛАРИНИНГ ИЖРОСИ БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР


2022 йилнинг I ярим йиллиги



O'zbekiston Respublikasi  
Moliya vazirligi

## **2022 йилнинг I ярим йиллиги учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини ижро этишнинг дастлабки натижалари**

2022 йилнинг I ярим йиллиги учун Давлат бюджетининг даромадлари **92,6** трлн. сўмни ташкил этди ёки 2021 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан **17,8** трлн сўм (+23,7%) кўп бўлди.



Солиқ тушумлари **71** трлн сўмни ёки **Давлат бюджети даромадлари** умумий ҳажмининг 76,7%ини ташкил этди. Божхона тушумлари **21,5** трлн сўмни ёки **Давлат бюджети даромадлари** умумий ҳажмининг 23,2%ини ташкил этди.


### **2022 йилнинг I ярим йиллиги учун Давлат бюджети даромадларини ижро этиш**

Кўрсаткичлар		трлн сўм
T/p	Хақиқий тушум	
<b>Давлат бюджети даромадлари, жами</b>	<b>92,6</b>	
шу жумладан:		
1 Давлат солиқ қўмитаси	71,0	
2 Давлат божхона қўмитаси	21,5	
3 Бошқалар	0,1	
шундан ҚҚСни қоплаш	<b>-8,3</b>	

ҚҚСни қоплаш суммаси солиқ органларидан, ҳам божхона органларидан ҚҚС тушумларининг камайиши тарзида акс эттирилади.

**Давлат бюджети даромадларининг ЯИМга нисбати жорий йилнинг I ярим йиллигига **24,5%**ни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **1** фоиз пунктга ошди. ЯИМга нисбатан улушнинг ошиши асосан билвосита соликлардан даромадлар ва солик бўлмаган тушумларнинг ўсиши билан изоҳланади.**

### Давлат бюджети даромадлари (трлн сўм)



### I. Даромадлар маъмуриятчилари томонидан Давлат бюджети даромадлари тушумлари динамикаси

Солик органлари маъмурчилигидаги тушумлар 2022 йилнинг I ярим йиллигига **71** трлн сўмни ташкил этди ёки 2021 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан **9,7** трлн сўмга (+15,7 %) ошди. Хусусан, Йирик солик тўловчилар бўйича худудлараро давлат солик инспекцияси бўйича тушумлар **43,2** трлн сўмни ташкил этди (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш – **2,5** трлн сўм ёки +6,2%).

Иқтисодий фаолият турлари бўйича<sup>1</sup> (иқтисодиёт тармоқлари) солик даромадларининг таҳлилиниң кўрсатишича, энг катта улуш (64,8%) иқтисодиётнинг 5 та тармоғига, хусусан, ишлаб чиқарадиган саноат (39,2%), улгуржи ва чакана савдо (8,1%), қурилиш (7,4%), ташиш ва сақлаш (5,1%) ва тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашга (5,0%) тўғри келди. 2022 йилнинг I ярим йиллигига улар томонидан тўланган соликлар миқдори **3,0** трлн сўмга ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **7,1%**га ошди.

**2020-2022 йилларнинг I ярим йиллиги учун иқтисодий  
фаолият турлари бўйича солиқ даромадлари тўғрисида  
маълумот**

млрд сўм

T/p	Кўрсаткичлар	2020 йилнинг I ярим йиллиги		2021 йилнинг I ярим йиллиги		2022 йилнинг I ярим йиллиги		Ўсиш, %	
		сумма	улуш, %	Сумма	улуш, %	сумма	улуш, %	2022/ 2020 йй.	2022 2021 йй.
	<b>Давлат солиқ кўмитасининг даромадлари, жами</b>	<b>45 852</b>		<b>61 360</b>		<b>71 022</b>		<b>154,9</b>	<b>115,7</b>
	<i>шундан иқтисодиёт тармоқлари бўйича:</i>	<b>32 040</b>	<b>69,9</b>	<b>42 973</b>	<b>70,0</b>	<b>46 002</b>	<b>64,8</b>	<b>143,6</b>	<b>107,1</b>
1	ишлиб чиқариш саноати	20 246	44,2	28 449	46,4	27 836	39,2	137,5	97,8
2	Улгуржи ва чакана савдо	3 140	6,8	4 635	7,6	5 757	8,1	183,4	124,2
3	Қурилиш	2 723	5,9	3 518	5,7	5 246	7,4	192,6	149,1
4	Ташиб ва сақлаш	3 306	7,2	2 645	4,3	3 615	5,1	109,4	136,7
5	Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишиш	2 626	5,7	3 726	6,1	3 548	5,0	135,1	95,2

*Давлат солиқ қўмитаси маълумотларига кўра.*

Божхона органлари маъмурчилигидаги тушумлар 2022 йилнинг I ярим йиллигига **21,5** трлн сўмни ташкил этди ёки 2021 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан **6,5** трлн сўмга (**+42,8 %**) ошди.

<sup>1</sup> Иқтисодий фаолият турлари ИФУТга мувофиқ тақдим этилган

## 2020-2022 йилларнинг I ярим йиллиги учун солиқ ва божхона даромадларининг ўзгариши

*трлн сўм*

Т/ р	Кўрсаткичлар	2020 йилнинг I ярим йиллиги	2021 йилнинг I ярим йиллиги	2022 йилнинг I ярим йиллиги	Тушумларнинг ўсиши, %	
					2022 й/ 2020 й	2022 й/ 2021 й
	<b>Давлат бюджетининг даромадлари, жами</b>	<b>58,5</b>	<b>74,8</b>	<b>92,6</b>	<b>159,2</b>	<b>123,7</b>
<i>шу жумладан:</i>						
1	Давлат солиқ қўмитаси	45,9	61,4	71,0	154,9	115,7
2	Давлат божхона қўмитаси	9,9	15,0	21,5	217,9	142,8

2022 йилнинг I ярим йиллигига Давлат бюджетига солиқ тушумларининг ошишига қуйидагилар таъсир этди: тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаоллигининг ўсиши, қимматбаҳо ва рангли металларга жаҳон бозорларида юқори нархларнинг сақланиб қолиши, солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати тугаши (2022 йил 1 январдан бошлаб солиқлар бўйича айrim имтиёзларнинг муддати тугаган), миллий валюта курсининг ўзгариши, шунингдек, солиқ органлари томонидан солиқ назорати ва маъмуриятчилигининг янги инструментларининг қўлланилиши.

Божхона даромадларининг ошиши импорт ҳажмининг ошиши, божхона имтиёзларининг амал қилиш муддатининг тугаши (божхона тўловлари бўйича айrim имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2022 йил 1 январдан бошлаб тугаган), тариф сиёсатининг ўзгариши (акциз солиғи ва божхона божи ставкалари), шунингдек, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, товарларни эркин муомалага чиқаришни тезлаштириш ва божхона маъмуриятчилигининг янги усуулларини жорий этиш бўйича божхона органлари томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар билан шартланган.

Масалан, 2022 йилнинг I ярим йиллигига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан транспорт воситалари ва уларга эҳтиёт қисмлар импортида ўсиш рўй берди (**652,0** млн АҚШ долларига ёки **45%**га ўсиш).

Бунда чет эл валютаси курсининг миллий валютага нисбатан ўзгариши 2022 йилнинг I ярим йиллигига (давр охирида давр бошига нисбатан) **0,4%**ни ташкил этди.

**2021-2022 йилларнинг I ярим йиллиги учун товарлар кесимида  
импорт ҳажмларининг ўзгариши**

минг долл.

T/p	Товарлар номи	2021	2022	Ўсиш	
		йилнинг I ярим йиллиги	йилнинг I ярим йиллиги	(+/-)	%
	<b>Жами</b>	<b>10 769 442,1</b>	<b>13 455 731,4</b>	<b>2 686 289,2</b>	<b>24,9%</b>
<i>шундан:</i>					
1	Транспорт ва унинг эҳтиёт қисмлари	1 450 439,9	2 102 445,8	652 005,9	45,0%
2	Технологик асбоб-ускуналар	1 851 608,1	2 062 306,1	210 698,0	11,4%
3	Металл ва металл буюмлари	1 251 672,2	1 646 801,6	395 129,5	31,6%
4	Озиқ-овқат товарлари	783 558,8	1 061 958,8	278 399,9	35,5%
5	Электротехника ва унинг қисмлари	852 224,9	985 936,2	133 711,3	15,7%
6	Фармацевтика маҳсулотлари	710 951,3	843 720,8	132 769,5	18,7%
7	Кимё саноати маҳсулотлари	494 958,2	630 476,2	135 518,0	27,4%
8	Нефть ва нефть маҳсулотлари	426 054,2	550 225,4	124 171,2	29,1%
9	Пластмасса ва пластмассадан ясалган буюмлар, плёнка	358 372,3	533 602,3	175 230,1	48,9%
10	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	382 844,3	476 548,2	93 703,9	24,5%

## II. Давлат бюджети даромадлари тузилмаси


Давлат бюджети даромадлари тўртта гурухдан иборат: (1) билвосита солиқлар, (2) бевосита солиқлар, (3) ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи, (4) бошқа даромадлар (солиқ бўлмаган тушумлар).

### I ярим йиллиги учун Давлат бюджети даромадларини ижро этиш



### 2020-2022 йилларнинг I ярим йиллиги учун Давлат бюджети даромадларининг ўзгариши тузилмаси

Давлат бюджети даромадларининг тузилмасига асосан ҚҚС (ҚҚСни қоплашни ҳисобга олган ҳолда **8,9** трлн сўм) ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (**2,5** трлн сўм) бўйича тушумларнинг ўсиши таъсир этди.



**2020-2022 йилларнинг I ярим йиллиги учун тушумлар  
манбалари бўйича Давлат бюджети даромадлари**


*трлн сўм*

Кўрсаткичлар	2020 йилнинг I ярим йиллиги	2021 йилнинг I ярим йиллиги	2022 йилнинг I ярим йиллиги	Тушумларнинг ўсиши			
				(2022 / 2020 йиллар)		(2022 / 2021 йиллар)	
				сумма	%да	сумма	%да
<b>Жами:</b>	<b>58,2</b>	<b>74,8</b>	<b>92,6</b>	<b>34,4</b>	<b>159,2</b>	<b>17,8</b>	<b>123,7</b>
<b>1. Билвосита солиқлар – жами</b>	<b>21,5</b>	<b>25,4</b>	<b>34,8</b>	<b>13,3</b>	<b>162,0</b>	<b>9,4</b>	<b>137,1</b>
1.1 Қўшилган қиймат солиғи	14,3	16,8	25,7	11,4	179,5	8,9	153,0
- ҚҚС бўйича тушум	15,9	24,4	34,1	18,1	213,6	9,7	139,7
- ҚҚС бўйича қоплаш	-1,6	-7,6	-8,3	-6,7	516,4	-0,8	110,1
1.2 Акциз солиғи	5,8	6,3	6,5	0,7	112,7	0,2	103,8
1.3 Божхона божки	1,4	2,3	2,6	1,2	187,4	0,3	112,2
<b>2. Бевосита солиқлар – жами</b>	<b>19,7</b>	<b>28,4</b>	<b>31,1</b>	<b>11,4</b>	<b>157,7</b>	<b>2,8</b>	<b>109,7</b>
2.1 Фойда солиғи	11,8	18,6	18,6	6,8	157,3	0,0	99,9
2.2 Айланмадан олинадиган солиқ	0,6	0,9	1,2	0,6	198,0	0,3	133,7
2.3 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	7,3	8,8	11,3	4,0	154,9	2,5	127,9
<b>3. Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи – жами</b>	<b>9,7</b>	<b>11,3</b>	<b>12,2</b>	<b>2,5</b>	<b>125,8</b>	<b>0,9</b>	<b>107,9</b>
3.1 Мол-мулк солиғи	0,9	1,2	2,0	1,1	221,1	0,7	159,2
3.2 Ер солиғи	1,1	1,8	2,6	1,5	233,2	0,8	143,3
3.3 Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	7,6	8,0	7,4	-0,2	97,4	-0,6	92,3
3.4 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,2	0,3	0,3	0,2	203,6	0,0	101,7
<b>4. Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар</b>	<b>7,2</b>	<b>9,7</b>	<b>14,4</b>	<b>7,2</b>	<b>199,9</b>	<b>4,7</b>	<b>148,1</b>

### III. Билвосита солиқлар бўйича даромадларнинг ўзгариши

2022 йилнинг I ярим йиллиги учун билвосита солиқлар бўйича тушумлар ўтган йилнинг ҳисобот даврига нисбатан **9,4** трлн сўмга (**37,1 %**) ошди ва **34,8** трлн сўмни ташкил этди.

2021 ва 2022 йилларнинг I ярим йиллиги учун билвосита солиқлар тузилмаси диаграммаларда тақдим этилган:



**Қўшилган қиймат солиғи.** Солиқ ва божхона органлари маъмурчилигидаги ҚҚС тушумлари 2022 йилнинг I ярим йиллигига **34,1** трлн сўмни ташкил этди (қоплаш суммаларини ҳисобга олмаган ҳолда) ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **9,7** трлн сўмга (39,7%га) ошди.

Бунда ҳисобот даврида божхона органлари томонидан ундириладиган ҚҚС 2021 йилга нисбатан 50%га, солиқ органлари томонидан ундириладиган ҚҚС - 30%га ошди.

Тушумларнинг ўсиши солиқ тўловчилар сонининг ошиши, солиқ базасининг кенгайтирилиши ва солиқ ва божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чоралар ҳисобига таъминланади.



2022 йил 1 июль ҳолатига ҚҚС тўловчилар сони 159,8 минг субъектларни ташкил этди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26 мингтага ошди.

## ҚҚС тұловчилар тоифалари бўйича маълумот

Т/р	Солиқ тұловчилар тоифаси	1 июль ҳолати бўйича	
		2021 йил	2022 йил
	<b>Жами,</b> шундан:	<b>133 820</b>	<b>159 856</b>
1	фермер хўжаликлари	35 930	38 524
2	Акциз тўланадиган товарларни (хизматларни) ишлаб чиқарувчилар	3 542	3 889
3	алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивони чакана сотиш бўйича турғун савдо шохобчалари	2 445	2 852
4	газланган ичимликларни реализация қилувчи корхоналар	1 503	1 896
5	бозорлар ва савдо комплекслари	578	1 045
6	солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ва аудиторлик ташкилотлари	24	124

Иқтисодий фаолият турлари бўйича (иқтисодиёт секторлари) ҚҚС тушумлари таҳлилиниң кўрсатишича, энг катта улуш (78,2%) иқтисодий фаолиятнинг 5 та турига, хусусан, ишлаб чиқарадиган саноат (31,5%), қурилиш (17,8%), улгуржи ва чакана савдо (13,4%), электр таъминоти, газ, буғ узатиш ва ҳавони шамоллатиш (8,3%), тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашга (7,2%) тўғри келди. 2022 йилнинг I ярим йиллигига улар томонидан тўланган ҚҚС миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **2,7** трлн сўмга ёки **28%**га ошди.

**2020-2022 йилларнинг I ярим йиллиги учун иқтисодиётнинг  
айрим тармоқлари корхоналари томонидан тўланган ҚҚС  
суммаси тўғрисида маълумот**


млрд сўм

Т/ р	Кўрсаткичлар	2020 йилнинг I ярим йиллиги		2021 йилнинг I ярим йиллиги		2022 йилнинг I ярим йиллиги		Ўсиш, %	
		сумма	улуш, %	сумма	улуш, %	сумма	улуш, %	2022 / 2020 йй.	2022/ 2021 йй.
	<b>Қўшилган қиймат солиги, жами</b>	<b>8 100</b>		<b>12 192</b>		<b>15 813</b>		<b>195,2</b>	<b>129,7</b>
	<i>шундан тармоқлар бўйича</i>	<b>6 125</b>	<b>75,6</b>	<b>9 659</b>	<b>79,2</b>	<b>12 366</b>	<b>78,2</b>	<b>201,9</b>	<b>128,0</b>
1	Ишлаб чиқарадиган саноат	2 687	33,2	3 900	32,0	4 978	31,5	185,2	127,6
2	Қурилиш	913	11,3	1 925	15,8	2 823	17,8	309,1	146,6
3	Улгуржи ва чакана савдо	1 096	13,5	1 693	13,9	2 117	13,4	193,0	125,0
4	Электр таъминоти, газ, буғ узатиш ва ҳавони шамоллатиш	620	7,7	932	7,6	1 312	8,3	211,5	140,7
5	Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	808	10,0	1 208	9,9	1 137	7,2	140,8	94,1

*Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида*

Шу билан бир қаторда, ҳисобга олинадиган ҚҚС суммасининг ҳисобланган солиқ суммасидан ошиши натижасида юзага келадиган ҚҚСни қоплаш таъминланади. Жумладан, agar 2021 йилнинг I ярим йиллигига солиқ тўловчиларга бюджетдан 7,6 трлн сўм қоплаб берилган бўлса, жорий йилнинг шу даври учун қоплаш суммаси қаришиб **8,3** трлн сўмни (ҚҚС бўйича тушган маблағларнинг **24,4%ни**) ташкил этди.

## ҚҚС тушумлари ва қоплаб бериш түғрисида маълумот (трлн сўм)



2022 йил январь-июнь ойларида **3 943** та тадбиркорлик субъектларига қўшилган қиймат солиғи қоплаб берилди.

Қоплашнинг умумий суммасидан **5,9** трлн сўм (71%) 100 тадбиркорлик субъектларига тўғри келади.

Солик тўловчиларнинг қўшилган қиймат солиғи суммаларини қоплаш бўйича муржаатлари динамикасининг таҳлили бюджетдан қопланадиган суммаларнинг қўйидаги диапозонини кўрсатди:

Суммалар диапозони	Мурожаатлар сони	ҚҚСни қоплаш суммаси	млрд сўм
<b>Жами</b>	<b>3 943</b>	<b>8 337,2</b>	
шу жумладан			
100 млн сўмгача	2 180	89,0	
100 млн сўмдан 500 млн сўмгача	895	208,9	
500 млн сўмдан 1 млрд сўмгача	252	179,2	
1 млрд сўмдан 5 млрд сўмгача	391	886,5	
5 млрд сўмдан ортиқ	225	6 973,6	

Давлат солиқ құмитаси маълумотларында күра, тезлаштирилген тартибда (7 кун муддатда) **4,4 трлн сўм**, белгиланған муддатда (60 кунгача муддатда) - **3,8 трлн сўм** қопланған.



**Акциз солиғи.** 2022 йилнинг I ярим йиллигиде солиқ органлари маъмурчилигида акциз солиғи тушумлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **241** млрд сўмга ошди ва **6,5** трлн сўмни ташкил этди. Ҳисобот даврининг I ярим йиллигиде тушумларнинг ошиши, асосан, акциз солиғи бўйича ставкаларнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўртacha 10%га, хусусан тамаки маҳсулотлари, алкоголь маҳсулотлари ва якуний истеъмолчига бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилиш бўйича оширилиши ҳисобига таъминланди.



Божхона органлари маъмурчилигида акциз солиғи тушумлари **151** млрд сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **16,1** млрд сўм кам. Акциз тўланадиган товарлар импорти ҳажмининг қисқариши ҳисобига, солиқ тушуми бензин бўйича 34,9 млрд сўмга, дизель ёқилғиси бўйича 9,0 млрд сўмга ва сигареталар бўйича 14,9 млрд сўмга қисқарди.

## 2022 йилнинг I ярим йиллиги учун акциз солиги тушуми



Алкоголь маҳсулотлари (+пиво) - **709,3 млрд сўм** (2021 й. 1 ярим йил. - 723,7 млрд сўм)



Тамаки маҳсулотлари - **909,7 млрд сўм** (2021 й. 1 ярим йил. - 910,7 млрд сўм)



Нефть маҳсулотлари - **255,3 млрд сўм** (2021 й. 1 ярим йил. - 220,3 млрд сўм)



Табиий газ **2,4 трлн сўм** (2021 й. 1 ярим йил. - 2,2 трлн сўм)



Полиэтилен гранулатари - **134,5 млрд сўм** (2021 й. 1 ярим йил. - 155,4 млрд сўм)



МобиЛЬ алоқа хизматлари- **428,8 млрд сўм** (2021 й. 1 ярим йил. - 540,5 млрд сўм)



Якуний истеъмолчига реализация килинадиган бензин, дизель ёқилғиси ва газ **1,5 трлн сўм** (2021 й. 1 ярим йил. - 1,3 трлн сўм)



Импорта ундириладиган акциз солиги **151,1 млрд сўм** (2021 й. 1 ярим йил - 167,2 млрд сўм)

**Божхона божи.** 2022 йилнинг I ярим йиллиги учун божхона божи тушумлари **2,6** трлн сўмни ташкил этди ёки ўтган йилнинг ҳисобот даврига нисбатан **281** млрд сўмга ошди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларнинг **6 турини** (уй паррандаси гўшти ва қўшимча озуқабол маҳсулотлар, буғдоий уни ёки буғдоий-жавдар уни, бошоқли донлар, кунгабоқар ва маҳсар ёғи, совун, юзага фаол таъсир кўрсатувчи органик моддалар, ювиш воситалари) олиб киришда божхона божининг ноль даражали ставкасини қўллаш муддати **2022 йил 31 декабрга қадар** узайтирилди.

Шунингдек, Президентнинг тегишли қарори билан 22 та озиқ-овқат товарлари бўйича (балиқ, сут маҳсулотлари, цитрус мевалар, маргаринлар ва бошқалар) жорий йил якунига қадар божхона божининг ноль даражали ставкалари белгиланган.

### IV. Бевосита солиқлар бўйича даромадларнинг ўзгариши

2022 йилнинг I ярим йиллиги учун бевосита солиқлар бўйича тушумлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **2,8** трлн сўмга (**9,7%**га) ошди ва **31,1** трлн сўмни ташкил этди.

2021 ва 2022 йилларнинг I ярим йиллиги учун бевосита солиқлар тузилмаси диаграммаларда тақдим этилган.

## 2021 ва 2022 йилларнинг I ярим йиллиги учун бевосита солиқлар тузилмаси



2022 йилнинг I ярим йиллигига фойда солиғи бўйича тушумлар **18,6** трлн сўмни ташкил этди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **16,0** млрд сўмга камайди.

Иқтисодий фаолият турлари (иқтисодиёт секторлари) бўйича фойда солиғи солиқ тушумларининг таҳлилиниң кўрсатишича, тушумларнинг энг катта улуши (**91,4 %**) иқтисодий фаолиятнинг 5 та турига, хусусан, ишлаб чиқарадиган саноат (**66,6 %**), молиявий хизматлар (**10,9 %**), улгуржи савдо (**6,7 %**), қурилиш (**4,1 %**), тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашга (**3,2 %**) тўғри келади. Фойда солиғи тўлаган қолган солиқ тўловчилар улушкига **8,6 %** ёки **1,6** трлн сўм тўғри келади.

Фақат молиявий ва суғурта соҳалари (**1,7** марта), шунингдек тоғ-кон саноати тармоғида (**1,5** марта) солиқ тушумларининг сезиларли ўсиши кузатилади.

**2020-2022 йилларнинг I ярим йиллигида иқтисодий  
фаолият турлари бўйича фойда солиги бўйича солик  
тушумлари тўғрисида маълумот**

млрд сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	2020 йилнинг I ярим йиллиги		2021 йилнинг I ярим йиллиги		2022 йилнинг I ярим йиллиги		Ўсиш, %	
		сумма	улуш, %	сумма	улуш, %	сумма	улуш, %	2022/ 2020 йй.	2022/ 2021 йй.
	<b>Фойда солиги, жами</b>	<b>11 832</b>		<b>18 622</b>		<b>18 606</b>		<b>157,3</b>	<b>99,9</b>
	<i>шундан тармоқлар бўйича</i>	<b>10 846</b>	<b>91,7</b>	<b>17 489</b>	<b>93,9</b>	<b>17 015</b>	<b>91,4</b>	<b>156,9</b>	<b>97,3</b>
1	Ишлаб чиқарадиган саноат	8 587	72,6	14 360	77,1	12 390	66,6	144,3	86,3
2	Молиявий ва сұғурта фаолияти	823	7,0	1 199	6,4	2 021	10,9	245,6	168,5
3	Улгуржи ва чакана савдо	627	5,3	963	5,2	1 241	6,7	197,9	128,9
4	Қурилиш	494	4,2	560	3,0	768	4,1	155,5	137,2
5	Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	315	2,7	406	2,2	594	3,2	188,8	146,2

Қуйидагилар фойда солиги бўйича тушумлар камайишининг  
асосий омиллари ҳисобланади:

амортизация ажратмалари бўйича чегирмаларнинг ошиши;

НКМК ва ОКМК учун оширилган солик ставкаларининг  
пасайтирилиши.

Давлат солик қўмитасининг маълумотларига кўра,  
2022 йилнинг I ярим йиллигида тақдим этилган фойда солиги  
бўйича солик ҳисоботлари бўйича солик тўловчилар умумий  
сонининг қарийб **68,8%**ни ташкил этадиган иқтисодиётнинг 5 та  
асосий тармоқлари бўйича солик ҳисоботлари таҳлил қилинди.  
Таҳлилнинг кўрсатишича, солик тўловчиларнинг **41,3 %**и  
2022 йилнинг I ярим йиллигини ижобий солик базаси билан  
якунлади, **35,2%**и – зарар кўрган ва **23,4%**и – солик ҳисоботини  
“ноль” кўрсаткичли солик базаси билан тақдим этишди.

**2020 – 2021 йиллар учун фойда солиғи бўйича тақдим  
этилган солиқ ҳисоботлари бўйича маълумот**

Иқтисодиёт секторлари	2021 йилнинг I ярим йиллиги			2022 йилнинг I ярим йиллиги		
	Ижобий солиқ базаси билан	зарар билан	«Ноль кўрсаткичли ҳисобот»	Ижобий солиқ базаси билан й	зарар билан	«Ноль кўрсаткичли ҳисобот»
<b>Жами солиқ тўловчилар</b>	<b>132 167</b>			<b>149 928</b>		
шундан иқтисодиётнинг 5 та тармоғи бўйича:	89 784 (68%)			103 138 (68,8%)		
1. саноат	7 720	6 452	2 692	7 836	7 313	2 689
2. транспорт	827	658	296	965	1 034	441
3. савдо	20 526	11 978	7 289	21 643	14 346	8 502
4. хизмат	6 811	5 325	6 367	7 901	7 590	8 897
5. қурилиш	4 007	5 290	3 546	4 309	6 051	3 621
<b>Жами иқтисодиётнинг 5 та тармоғи бўйича</b>	<b>39 891</b> (44,5 %)	<b>29 703</b> (33,0 %)	<b>20 190</b> (22,5 %)	<b>42 658</b> (41,3 %)	<b>36 334</b> (35,2 %)	<b>24 150</b> (23,4 %)

**Фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботининг айrim  
кўрсаткичлари**

млрд сўм

Кўрсаткичлар	2021 йилнинг I ярим йиллиги	2022 йилнинг I ярим йиллиги	Оғиш	
			+/-	баравар
Фойда солиғи бўйича тақдим этилган йиллик солиқ ҳисоботлари сони	132 167	149 928	17 761	1,13
Жами даромад	476 384,0	615 613,1	139 229,1	1,3
Инвестициявий чегирма	288,0	430,4	142,4	1,5
Амортизация(инвестициявий чегирмасиз)	14 634,6	25 710,9	11 076,3	1,8

Юқорида тақдим этилган маълумотлардан келиб чиқадики, 2022 йилнинг I ярим йиллигига солиқ тўловчилар томонидан инвестициявий чегирмадан фаол фойдаланиш (**ўсиш 1,5 барабар**) кузатилади, бунинг натижасида улар бир вақтнинг ўзида

солиқ базасини **430,4** млрд сүмга камайтиришди ва ўзларининг ихтиёрида **64,5** млрд сўм қолдиришди.

*Маълумот учун: 2022 йилдан бошлаб инвестициявий чегирма миқдори 2 баравар оширилди (бинолар бўйича 5%дан 10%гача, янаги технологик асбоб-ускуналар бўйича – 10%дан 20%гача).*

2022 йилнинг I ярим йиллигида фойда солиги бўйича бўнак тўловларини тўлайдиган солиқ тўловчилар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ошган (**ўсиш 4,8 минг**), улар қуйидаги жадвалда келтирилган:

<b>Фойда солиги бўйича бўнак тўловларини тўлайдиган солиқ тўловчилар сони</b>		<b>Оғиш</b>
<b>2021 йилнинг I ярим йиллиги</b>	<b>2022 йилнинг I ярим йиллиги</b>	
13 474	18 226	4 752

*Маълумот учун: жами даромади жорий солиқ давридан олдинги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнак тўловларини тўлайди.*

2022 йилнинг I ярим йиллигида **айланмадан олинадиган солиқ** бўйича тушумлар **1,2** трлн сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **314** млрд сўм кўп.

119 та туман ва шаҳарда айланмадан олинадиган солиқ тушуми 25%дан ортиқ, 38 тасида - 15 - 25% ва 27 тасида - 15%гача ошди. 21 туман ва шаҳарда солиқ тушумлари 2021 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан камайди.

2022 йилнинг I ярим йиллиги учун **жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги** бўйича тушумлар **11,3** трлн сўмни (**ўсиш 2,5** трлн. сўм), шу жумладан, тўлов манбаида ушлаб қолинадиган солиқ бўйича – **10,4** трлн сўмни (**ўсиш - 2,3** трлн сўм) ташкил этди.

Қуйидагилар тушумлар ўсишининг асосий омиллари ҳисобланади:

иқтисодиётни ва иқтисодий фаолиятни тиклаш;

бюджет секторида энг кам иш ҳақини 2021 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан ўртacha 12,2%га ошириш;

хусусий секторда ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини қонунийлаштириш.

2021-2022 йилларнинг I ярим йиллиги учун жисмоний шахсларнинг даромадлари тузилмаси қуидагиларни ташкил этди:

Даромадлар турлари	2021 йилнинг I ярим йиллиги	2022 йилнинг I ярим йиллиги	ўсиш	
			+/-	%
Даромадлар жами	68 627,91	85 350,80	16 722,89	124,37
<i>шундан:</i>				
Мехнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар	66 205,55	82 613,86	16 408,32	124,78
Бошқа даромадлар	2 422,4	2 736,94	314,58	112,99

Таҳлил қилинаётган даврда ходимлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **427,3 минг** нафарга ошди.

2022 йилнинг июнь ойи якунларига қўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилар сони **5 299,4 минг** кишини, шундан **34,6%**ини – бюджет ташкилотлари ходимларини, **65,4%**ини – нобюджет ташкилотлари ходимларини ташкил этди.

### **Бюджет ва нобюджет ташкилотлари кесимида иш ҳақи даражаси динамикаси**

Т/ р	Иш ҳақи миқдори	2021 йил июнь		2022 йил июнь	
		тўловчилар сони, минг киши	Улуш (%)	тўловчилар сони, минг киши	Улуш (%)
1.	<b>1 млн сўмгача</b>	<b>1 755,2</b>	<b>36,0</b>	<b>1 778,0</b>	<b>33,6</b>
	<i>бюджет сектори</i>	480,5	9,9	318,6	6,0
	<i>нобюджет сектори</i>	1 274,7	26,2	1 459,4	27,5
2.	<b>1 млн сўмдан 2 млн сўмгача</b>	<b>1 185,7</b>	<b>24,3</b>	<b>1 197,5</b>	<b>22,6</b>
	<i>бюджет сектори</i>	510,5	10,5	490,7	9,3
	<i>нобюджет сектори</i>	675,2	13,9	706,8	13,3
3.	<b>2 млн сўмдан 4 млн сўмгача</b>	<b>1 053,6</b>	<b>21,6</b>	<b>1 084,1</b>	<b>20,5</b>
	<i>бюджет сектори</i>	409,5	8,4	455,5	8,6
	<i>нобюджет сектори</i>	644,0	13,2	628,7	11,9
4.	<b>4 млн сўм ва ундан юқори</b>	<b>877,7</b>	<b>18,0</b>	<b>1 239,8</b>	<b>23,4</b>
	<i>бюджет сектори</i>	400,7	8,2	570,3	10,8
	<i>нобюджет сектори</i>	477,0	9,8	669,5	12,6
	<b>Жами:</b>	<b>4 872,2</b>	<b>100</b>	<b>5 299,4</b>	<b>100</b>

2022 йилнинг I ярим йиллигида қуйидаги даромадлардан олинадиган солиқ бўйича тушумлар:

дивиденdlар ва фоизлар тарзида - **341,7** млрд сўмни ташкил этди, бу 2021 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан **84** млрд сўм кўп;

мол-мулкни ижарага беришдан олинган - **158,7** млрд сўмни ташкил этди, бу 2021 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан **51,1** млрд сўм кўп.


Якка тартиbdаги тадбиркорлардан солиқ тушумлари **195,4** млрд сўмни ташкил этди, бу 2021 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан **1,9** млрд сўм кўп.

## **V. Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича даромадларнинг ўзариши**

Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича умумий тушумлар жорий йилнинг I ярим йиллиги учун **12,2 трлн сўмни** ташкил этди, бу 2021 йилнинг шу даври учун тушумларга нисбатан **0,9 трлн сўм** кўп.

2021 йил ва 2022 йилнинг I ярим йиллиги учун ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи тузилмаси диаграммаларда тақдим этилган.

### **2021-2022 йилларнинг I ярим йиллиги учун ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи тузилмаси**



Жорий йилнинг I ярим йиллигига ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича тушумларнинг асосий улуши ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқقا тўғри келади ва қарийб **60,3%**ни ташкил этади (ўтган йилнинг I ярим йиллигига - нисбатан - **70,5 %**). Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ресурс солиқлари бўйича умумий тушумлардаги улуши фойдали қазилмаларнинг айrim турлари бўйича солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ҳамда мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича оширилиши натижасида қисқарди.

**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар** 2022 йилнинг I ярим йиллигига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **0,6** трлн сўмга камайди ва **7,4** трлн сўмни ташкил этди. Тушумларнинг пасайиши фойдали қазилмаларнинг айrim турлари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг бирхилластирилиши ва 1 январдан пасайтирилиш билан шартланган, хусусан:

цемент ишлаб чиқариш учун оҳактош бўйича солиқ ставкаси 1 тонна учун 45 минг сўмдан 22,5 минг сўмгача пасайтирилди;

қимматбаҳо ва рангли металлар бўйича - 10 фоиздан 7 фоизгача, давлат улуши устувор бўлган корхоналар учун эса олтин бўйича солиқ ставкаси 15 фоиздан 10 фоизгача пасайтирилди;

радиоактив металлар, нодир элементлар ва нодир ер элементларини бўйича - 10 фоиздан 8 фоизгача, вольфрам бўйича - 10,4 фоиздан 2,7 фоизгача пасайтирилди;

табиий газ бўйича - 30 фоиздан 10 фоизгача, нефть ва газ конденсати бўйича 20 фоиздан 10 фоизгача пасайтирилди ва ҳоказо.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумларнинг асосий улуши (**65,2%**) давлат тоғ-кон саноати корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

2022 йилнинг I ярим йиллигига **юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ** бўйича тушумлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **0,7** трлн сўмга ошди ва **1,5** трлн сўмни ташкил этди. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича тушумларнинг ошиши юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 2022 йил 1 январдан бошлаб 2 фоиздан 1,5 фоизгача пасайтирилганига қарамай, бу йил юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда бино ва иншоотлар бўйича солиқ базаси уларнинг жойлашган жойига боғлиқ ҳолда 1 кв.метр учун мутлақ қийматда

белгиланган минимал қийматдан паст бўлмаслигини назарда тутувчи норманинг жорий этилиши билан шартланган.

Жумладан, 39 031 та солик тўловчи (58 %) 2022 йил учун молмулк солиғини ҳисоблаб чиқариш учун белгиланган минимал қийматдан келиб чиқиб маълумотнома тақдим этишди. Бунда 1700 та солик тўловчи солик органларига жорий йилда қўчмас мулк обьектларини мустақил баҳолашдан ўтказиш тўғрисида хабарнома тақдим этишди.

**Юридик шахслардан олинадиган ер солиги** бўйича тушумлар I ярим йилликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **0,5** трлн сўмга ошди ва **1,7** трлн сўмни ташкил этди. I ярим йилликда ер солиги бўйича қўшимча тушумлар қуидагилар ҳисобига таъминланди:

объектларнинг айrim турлари эгаллаган ер участкаларига (умумий фойдаланишдаги темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, консервация қилиниши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган қўчмас мулк обьектлари) нисбатан ер солиги ставкаларига пасайтирувчи коэффициентнинг оширилиши;

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солик ставкаларини **7%**га индексация қилиш. Бунда, солик ставкаларининг аниқ миқдори маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан уларнинг иқтисодий ривожланиши ва туманнинг нуфузига қараб, солик камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда базавий ставкалар асосида белгиланади.

**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик** бўйича тушумлар деярли 2021 йилнинг I ярим йиллиги даражасида сақланиб қолди ва **323** млрд сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг I чорагида қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 2020 йил учун **46,5** млрд сўм солик тўлаш ҳисобига қўпроқ солик тушиши билан боғлиқ (*Маълумот учун: жорий йилнинг 15 декабри қишлоқ хўжалиги корхоналари учун солик тўлаш муддати этиб белгиланган*).

Жорий йилнинг I ярим йиллигига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик тушумларига солик ставкаларини **10%**га, иқтисодиётнинг айrim тармоқлари учун эса - **30%**га индексация қилиш ҳам таъсир этди.

## VI. Бошқа тушумлар ва солиқ бўлмаган тўловлар

Жорий йилнинг I ярим йиллиги учун бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тўловлар бўйича умумий тушумлар **14,4** трлн сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тушумлар **4,7** трлн сўмга кўп.

Ҳисобот даврида бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тўловларнинг асосий улуши дивидендларга тўғри келади ва қариёб **54,0%**ни ташкил этади (ўтган йилнинг I ярим йиллигига – 43,9%).

Қолган даромадлар, хусусан, қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат божи – **1 192,2** млрд сўм;

йиғимлар – **750,7** млрд сўм ва жарималар – **696,2** млрд сўм;

автотранспорт воситалари учун рақамларнинг “чиройли” комбинацияларини сотишдан олинган даромадлар – **181,6** млрд сўм.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТИНИНГ  
2020-2022 ЙИЛ I ЯРИМ ЙИЛЛИКДАГИ ИЖРОСИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

млрд.сўм

	2020 йил I ярим йиллик		2021 йил I ярим йиллик		2022 йил I ярим йиллик	
	сумма	ЯИМга нисбатан %да	сумма	ЯИМга нисбатан %да	сумма	ЯИМга нисбатан %да
<b>ЯИМ</b>	<b>266 348</b>	x	<b>318 472</b>	x	<b>377 697</b>	x
<b>ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ</b>	<b>58 157</b>	21,8%	<b>74 818</b>	23,5%	<b>92 581</b>	24,5%
шу жумладан:						
I. ДСҚ	<b>45 852</b>	17,2%	<b>61 359,5</b>	19,3%	<b>71 022,3</b>	18,8%
II. ДБҚ	<b>9 863</b>	3,7%	<b>15 047,1</b>	4,7%	<b>21 488,4</b>	5,7%
III. Бошқалар	<b>2 442</b>	0,9%	<b>-1 588,4</b>	-0,5%	<b>70,1</b>	0,0%
<b>Билвосита солиқлар - жами</b>	<b>21 509</b>	8,1%	<b>25 409</b>	8,0%	<b>34 837</b>	9,2%
Қўшилган қиймат солиғи (қайтарилган маблағ билан бирга)	14 330	5,4%	16 817	5,3%	25 724	6,8%
Акциз солиғи	5 809	2,2%	6 305	2,0%	6 546	1,7%
Божхона божи	1 370	0,5%	2 287	0,7%	2 568	0,7%
<b>Бевосита солиқлар - жами</b>	<b>19 740</b>	7,4%	<b>28 366</b>	8,9%	<b>31 128</b>	8,2%
Фойда солиғи	11 832	4,4%	18 622	5,8%	18 606	4,9%
Айланмадан олинадиган солиқ	630	0,2%	932	0,3%	1 247	0,3%
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	7 278	2,7%	8 812	2,8%	11 274	3,0%
<b>Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи</b>	<b>9 695</b>	3,6%	<b>11 306</b>	3,6%	<b>12 199</b>	3,2%
Мол-мулк солиғи	891	0,3%	1 237	0,4%	1 970	0,5%
Ер солиғи	1 094	0,4%	1 780	0,6%	2 551	0,7%
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	7 552	2,8%	7 971	2,5%	7 355	1,9%
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	159	0,1%	318	0,1%	323	0,1%
<b>Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар</b>	<b>7 213</b>	2,7%	<b>9 737</b>	3,1%	<b>14 417</b>	3,8%